



Руслар бу санани унуттиришга ҳаракат қилишмоқда. Чунки тарихга “15 октябрь Козон катлиоми” сифатига кирган ва бутун турк тарихини ўзгартириб юборган ушбу кора кун бугун Татаристонда “Шахидларни хотирлаш куни” сифатида ёдга олинмоқда. Хўш, орадан беш юз йил ўтишига қарамай 15 октябрь катлиоми ва ишғоли нима учун унутилмаяпти? Бу ишғол турк тарихига қандай таъсир кўрсатган?

---

1552 йили тарихга кора кун сифатига кирган 15 октябрда Козон хонлиги Кўркинч Иван (Грозний) тарафидан қонли шаклда ишғол этилди ва минглаб татар қатл этилди. Козон хонлигининг ишғол этилиши билан русларнинг турклар географиясига ҳужумлари бошланди. Шу санагача Олтин Ўрда ҳам, Козон хонлиги ҳам Россия билан Туркистон орасида ўтиб бўлмас давон қаби эди. Иван Грознийнинг турли хийлалар билан Козон хонлигини қўлга олиб, ҳукмдори Суюнбека ва ўглини асир олиб кетиши татарлар орасида юз йиллар давом этган оғир жароҳатга сабаб бўлди.

Хўш, кейин нима бўлди?

Аввал Крим, Бошқирдистон, Аждархон (Астрахан хонлиги) ва Сибир хонлиги, ортидан Тошкент, Бухоро, Қўқон хонликлари бирма-бир йўқотилди ва бутун Туркистон ҳудудлари бир чеккадан ишғол этилди. Ушбу ишғол асрлар мобайнида давом этди. 1552 йил 15 октябрь санаси нафакат татарлар, аслида айни Ўрта Осиё аҳолиси учун улкан йўқотишларга сабаб бўлган кундир. Иван Грозний Козон ҳукмдори Суюнбека хоним билан турмуш қуриш истагини билдирди, лекин жуда катта қаршиликларга дуч келди. Асрлар давомида кичик князликлар ҳолида Козон хонлигига қарам бўлган Москва, Козон хонларининг нотўғри сиёсатлари сабаб тезда йириклашиб давлатга айланди. Яъни

Козон хонлиги бўлмаганида эди, бугун Россия деган давлат ҳам балки бўлмас эди. Ўтган ҳафта иштирок этган бир телевидение дастурида парвосизларча “Туркиянинг Карс ва Арарат тоғи такрор Россияга берилиши керак” деган “Спутник” ва “Russia Today” бош муҳаррири Маргарита Симоньян юкоридаги аччиқ ҳақиқатни билмайдиган кўринади. Эй Маргарита, тарихга бир қарагин, нима деяпти? Агар ҳамма жойлар асл эски хўжайинларига қайтарилсин деган фикрингда самимий бўлсанг, бугунги Россия ҳудудларининг ярмидан кўпи ва айнан сенинг қўлбола ватанинг - арманистон батамом туркийларнинг ери бўлиб чиқади. Тўғриси биз ҳам ўз халқимизни миллатпарваримиз. Козонни, Астраханни, Кримни, Оренбургни, Сибирни, Олтойни қайтариб олишни истаймиз. Бу ишголингиз жуда чўзилиб кетди. Бизнинг эски ерларимиздан чиқиб кетинг. Сен “империал рус мафкурасига эгаман” деб жар соляпсан. Аксинча биз империал эмас, ўз тарихи ва миллатига боғланган миллатпарвармиз. Сен империалистсан, колонизаторсан, мустамлакачисан, кўзинг тўймайдиган ялмоғизсан. Биз эса эски ҳудудларимиздан тарих изларини кидиряпмиз. Ушбу жойларда халигача яшаётганлар асосан туркийлардир.

На Маргарита Симоньян, на В.Путин 15 октябрь катлиомини билишади. Татаристонда ҳар йили 15 октябрь куни Иван Грозний катл этган шахидларни хотирлаш учун йигилишга ҳам зўрга рухсат берилади. 5-10 йил аввал катта митингларни эслатадиган хотира маросимларига аввалгидек кизиқиш йўқ. Афсуски бугун кўпи билан 200-300 киши иштирок этмокда.

Россия кўплаб академикларни қўллаб, чет элдаги муҳим университетларга жойлаб, пиарлар билан шухрат қозонтирди. Уларнинг Руспарастлик қилишдан бўшаб, ҳақиқатларни айтишга на вақтлари, на хоҳишлари бор. Майли улар ўз вазифаларини бажаряпти. Хўш бизнинг тарихчи ва туркологларимиз нима иш билан шугулланяпти? Тарихдан сабоқ чиқармаслик энг улкан ожизлигимиз бўлса керак.

Козон халқи шунча асрдан буён халигача озодлик учун курашмокда. Асирликда бўлишига қарамай бир-биридан қийматли зиёлилар етилтирган илк турк-ислом маскани бўлмиш Козон хонлиги бир кун келиб қайтадан мустақилликка эришади.

Биз бунга чин дилдан ишонамиз.